ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

СОҒЛОМ ТАФАККУР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ж. С. Искандаров
Урганч давлат университети ўқитувчиси
sv997710@gmail.com

Ш. Ж. Искандарова
Урганч давлат университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу маколада соғлом тафаккур муаммоси, унинг долзарблиги, мамлакатимиз ва хориж олимлари томонидан урганилганлиги, ўқувчиларда соғлом тафаккур ривожланишига таъсир этувчи омиллар, ижтимоий-психологик механизмлар ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, ижод, соғлом тафаккур, бушкунлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллат, соғлом фикрлаш, замонавий рақобат, хулк, тафаккур, объектив шарт-шароитлар.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF THE DEVELOPMENT OF HEALTHY THINKING

ABSTRACT

This article describes the problem of healthy thinking, its relevance, the study of domestic and foreign scientists, the factors influencing the development of healthy thinking in students, socio-psychological mechanisms.

Keywords: innovation, creation, creativity, superior, modern education, cognitive, processes, harmonious view, globalist worldview, expanded youth mentality, youth value orientations, youth consciousness.

КИРИШ

Дунё мамлакатлари аҳолиси ҳаётида турли мафкуравий глобаллашув муаммоси кечаётган бир пайтда, улғайиб келаётган ёш авлодни ана шундай муаммолардан асраш, турли ғаразли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, ахборот хуружи орқали уларнинг тафаккурини эгаллаш ҳамда вайронкор ҳаракатларга жалб этмоқчи бўлаётган «тарбиялар»га қарши иммунитет ҳосил қилишда соғлом тафаккурга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун ҳам Узбекистон ёшларида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

соғлом тафаккурни ривожлантириш давлатнинг энг долзарб масаласига айланиб бормоқда.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтириш ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида белгилаб қўйилган.

Чунки соғлом тафаккурга эга ўсмир ёшдаги ўқувчи ёшлар жамиятнинг эртанги кунини белгиловчи кучга эга, юртимизнинг барқарор ривожланиши, ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга хизмат қилиб, халқнинг эртанги кун тақдирини ҳал қилади. Соғлом тафаккурли ўқувчи ёшлар жамият равнақининг гаровидир. Ҳамма даврда соғлом тафаккур психология фанининг объекти бўлиб келган.

Шахснинг соғлом ўсиб улғайиши, унинг интеллектуал ривожланиши, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама камол топиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва самарали фаолият олиб боришида соғлом тафаккур муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом тафаккур ўсмир ёшдаги ўқувчини ҳар қандай оғир вазиятда ҳам тушкунликка тушмасдан эртанги кунга ишонч билан қарашга ва фақат олдинга интилиб яшашга ундайди. Соғлом тафаккур аввало ўқувчиларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясида намоён бўлади. Шахс тафаккури қанчалик соғлом бўлса, унинг руҳияти, жисми шунчалик соғлом эзгуликка йўналган бўлади.Ўсиб улғайиб ҳаётга кириб келаётган ўқувчининг фикрлаши қанча соф эркин бўлса, у шунча зарарсиз фикрлайди, шукрли, сабрли ва беғараз бўлади. Бугунги кунда гўзал хулқ тўғри ақида асосида тарбияланган, эҳтиёткор, соғлом фикрлай оладиган фарзанд ҳаётда ақл-идрок билан иш тута олади. Иймон эътиқодда собит туради, эркин ва мустақил фикрлай олади, мафкуравий хуружларга берилмайди, алдовларга учмайди ҳамда вайронкор ташвиқотларга алданиб қолмайди. Ватани, халқи, оиласи, касбига садоқат руҳида ёндашади. Ана шундай умуминсоний сифатларга эга шахс ижтимоий психология соҳасида соғлом тафаккур эгаси саналади. Демак, ўсмирлик ёшидаги ўқувчилар ёшлигидан соғлом эътиқодли, билимли, садоқатли, одобли ва соғлом тафаккурга эга шижоатли бўлиб вояга етиши учун ижтимоий-психологик тажрибага эга бўлиши, дунёвий ва диний илмдан хабардор бўлиши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

лозим. Бу масалада Абу Наср Фаробий шундай дейди: «Комилликка даъвогар шахс уч тоифа илмдан хабардор бўлиши лозим, диний, дунёвий ва тиббиёт соҳаси». Мана шу фикрга эътибор қаратилса, ўрганилаётган мавзунинг долзарблигига асос бўла олади. Фаробийнинг фикрича, инсон тафаккурининг соғлом бўлиши учун дунёвий илм, қалбнинг соғломлиги учун диний илм, тананинг соғломлиги учун айнан тиббиёт илми лозим. Инсон ҳаёти давомида гигиенага риоя этиши, баданини озода тутиши тананинг соғломлиги гаровидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихга назар соладиган бўлсак, қанчадан-қанча буюк шахслар етишиб чиққан, уларни буюк қилган, тарихга номини қолдирган нарса ҳам айнан миллий ғурур, миллий ифтихор, миллат, эл-юрт тақдири учун куйиниш, халқнинг эртанги кун тақдирига кайғуриб яшаш, бунинг учун бор куч ғайратини ишга солиб, ор-номус, виждон, адолат,меҳнатсеварлик, яратувчанлик каби соғлом тафаккур билан яшаганлигидир. Ана шу сифатларга эга бўлган авлод бугунги фан тили билан айтганда соғлом тафаккур эгасидир.

Соғлом тафаккур ривожланган ўқувчи ҳамиша ўз қарашларини ижобий асослайди, керак бўлганда ҳимоя қилади, тўғри хулоса чиқаради, ўз бурчини адолатли баҳолайди. Соғлом тафаккурга эга ўқувчи ички низони ижобий бартараф этади. Шунинг учун юртимизда соғлом тафаккурга эга шахслардан иборат баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмокда.

Ўқувчи ёшларда соғлом тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик омилларидан бири аввал бу оила, маҳалла бўлса навбатдаги муҳит бу умумий ўрта таълим муассасасидир. Демак, аввало айнан ижтимоий институтларда шахслараро муносабатларнинг туғри ташкил этилганлигига боғлик. Оилада ота-она, катталарнинг ижтимоий муносабатларга реакцияси асосида таъсир қилса, умумий ўрта таълим тизимида синф раҳбари, фан ўқитувчилари, мактаб етакчиси ва мактаб амалиётчи психологининг ўзига хос ўрни бор. Асосий масала шундаки, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда ўтиш даврида биологик, физиологик, психологик ўзгаришлар натижасида турли қийинчиликларни осон енгиши ва реал ҳаётни тўғри англаш масаласи туради. Бундай қийинчиликларни соғлом тафаккур ривожланган ўқувчилар ижобий, мазмунли, аниқ бир мақсад билан безарар, бехатар енгиб ўтиши мумкин. Ўқувчилар олдига қўйилган масала юзасидан соғлом тафаккурга эга шахс соғлом мушоҳада юритиб эхтиёткорлик билан ўзининг ҳаёт ҳақиқатини кашф этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

Соғлом тафаккур муаммоси кўпгина хориж олимлари томонидан ўрганилган. Шу жумладан, Ю.Н.Крайнова, Л.В.Рубцова, Т.Н.Васильева, М.С.Козловская, М.М.Данина каби хориж олимлари ўзларининг илмий тадқиқот ишлари ва илмий мақолаларида у ёки бу даражада ўрганилган.

Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Махмуд Қошғарий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг қарашларида ҳам ёшларни соғлом фикрлашга ўргатиш, соғлом тафаккур, маънавий дунёқараш, соғлом ақл масаласига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Куръони Карим ва муборак ҳадисларда ҳам одам маънавий камолотини таъминлашда соғлом фикрлашга боғлиқ долзарб муаммо эканлиги устуворлик қилади.

Республикамизда баркамол авлодни шакллантириш ва замонавий ракобатбардош кадрларни етиштиришда уз ҳиссасини кушиб келаётган бир катор олимларимизнинг илмий фаолияти, илмий тадкикот ишларида тафаккур, соғлом тафаккур, маънавий тафаккур, тарихий тафаккур, ижодий тафаккур, эстетик тафаккур масалалари ҳакида илмий фалсафий, педагогик, психологик муаммолар кенг урганилган.

Жумладан, узлуксиз таълимда, умумтаълим мактаби ўқувчиларида янгича тафаккур тарзини шакллантиришнинг миллий модели Ш.Э.Курбонов, У.И.Иноятов, Э.А.Сейтхалилов, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликаевалар томонидан тадкик этилган. 2

Замонавий шароитда соғлом тафаккурни ривожлантиришга доир илмий тадкикот ишлари фалсафий, психологик-педагогик ва методик йуналишларда амалга оширилмокда. Тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг фалсафий-методологик жиҳатлари Б.Х.Ходжаев 3, Э.Юсупов, Ж.Туленов, А.Бегматов, Н.Жураев, А.Чориев, О.Ғайбуллаев, Г.Ж.Туленова, А.Тойнби каби олимларнинг илмий ишларида чукур тах,лил этилган.

Психолог олимлардан Л.С.Рубинштейн,А.Маслоу, А.Леонтьев, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев,В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафаев, З.Т.Нишонова кабилар томонидан муаммо-нинг психологик жихатлари урганилган. Педагог олимлардан Д.Шарипова, О.Мусур-монова, М.Куронов, У.Махкамов, Р.Сафарова, Ш.Мардонов, Д.Рузиева, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмонова, Ш.Шарипов, О.Жамолдинова, В.Сластенин, И.Исаев, Е.Шиянов З.Т.Солиева каби олимларининг илмий изланишларида мустакиллик, миллий, маънавий-ахлокий, ижодий, бадиий, инновацион тафаккурни ривожлантириш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

масаласининг узига хос жихат-ларини очиб беришга алохида эътибор каратилган.

Ўқувчи-ёшларда тафаккурни ривожланти-риш муаммоси билан боғликликда турли соха олимлари томонидан илмий изланишда маълумот ва тахлиллар олиб борилган бўлса-да, бирок бугунги глобаллашув шароитда геосиёсий жараёнларнинг ривожланиши, инсон онги ва қалби учун мафкуравий курашларнинг турли куринишида инсон тафаккурига таъсир курсатиш авж олаётганлиги уларга карши соғлом иммунитет билан тура олиш омили сифатида бугун улағйиб келаётган ўқувчи-ёшларда айнан соғлом тафаккурни ривожлан-тириш масаласи махсус тадкик этилмаган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Маънавий тахдид деганда, аввало, тили, дини, эътикодидан катъий назар, хар кайси одамнинг том маънодаги эркин инсон булиб яшашига карши каратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чикариш максадини кузда тутадиган мафкуравий, Fоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб уйлайман»1.

Масалани психологик томондан ёритадиган бўлсак, табиатнинг таркибий кисмлари ва жамиятнинг аъзолари билан турли шаклдаги, хар хил хусусиятли муносабатга киришиши, улар билан муомала қилиш маромларини дав-рий «муваккат тарзда» узгаришни вужудга келтиради. Ана шу узгариш туфайли муваффакият ва муваффакиятсизлик, омад ва омадсизлик, оптимизм ва пессимизм, романтика ва реалия,симпатия ва антипатия, прогресс ва регресс, жушкинлик ва тушкунлик, фаоллик ва сустлик, соғлом тафаккур ва носоғлом тафаккур каби биринчиси ижобий, иккинчиси эса салбий рухий ходиса келиб чикади.

Фаолият хулк тафаккурнинг хаёт давомида бир текис кечишини таъминловчи эмоционал холат баркарорлигининг бузилиши унга киёс килинган муваффаққиятнинг бирламчи омили тўғрисидаги илмий маълумотларни шубха остида колдиради. Оламда жамики нарсанинг бошланғич асоси биринчидан эмоция деган ғояни, унинг қийматини умумий фонда бир-мунча кадрсизлантиради, лекин иккинчи, устувор ва етакчи, умумий ва хусусий объектив ва субъектив, мухим ва номухим мезонлар, ало-матлар, улчамлар ёрдами билан бахоланиши ушбу психологик масала мохиятини окилона талкин килиш заруриятини юзага чиқаради. Агар шундай бўлса, уларнинг мохиятини келти-риб чикарувчи сабаблар, харакатлантирувчи кучларни муайян далилларга асосланиб тахлил килиш муаммоси майдонга келади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

Инсон фаолиятида унинг хулқи, тафаккур жараёни муайян конуниятларга асосланган холда амалга ошиши хам объектив, хам субъектив шарт-шароитларга боғлик. Табиий омилларни келтириб чикаручи объектив шарт-шароитлар, яъни микро- ва макромухит, моддий борлик, ёрдамчи воситаларнинг мавжудлиги, уларнинг юксак талабларга жавоб бера олиш имконияти, ташки кузатувчиларнинг безараплигини келтириб чикаради. Табиий шарт-шароитлардаги тукисликдан ташкари айрим етишмовчиликлар ва узилишларнинг содир булиши нуксонларни келтириб чикаради, бунинг окибатида рухий кечинмалар, асосан тафаккурнинг фаоллиги, илдамлиги, максадга йуналганлиги бузилади.

Табиий шарт-шароитлар, мухит таъсирида инсон рухий оламида бир катор кескин, хам сифат, хам микдор узгаришлари вужудга келади, улар янгиланишлар, янги фазилатлар, хислатлар туғилишида намоён булади. Объектив шарт-шароитлардан ташкари, инсон омили билан узвий боғликлик булган субъектив шарт-шароитлар тафаккур, муомала, фаолият, хулк-нинг ижтимоий турмушда самарали амалга ошишини узлуксиз равишда таъминлаб туради. Субъектив шарт-шароитларнинг каторига шахс-нинг баркарорлиги, характернинг мустахкамлиги, эҳтиёж, мотив, маслак, салоҳиятининг пухталиги, узини узи бошкариш услубининг катъий равишда шаклланганлиги, биологик шартланган хислатлар эса узаро уйғунлашганлиги кабилар киради1.

Одатда объектив ва субъектив шарт-шароитлардаги узгаришлар туфайли ижобий ёки салбий хусусиятли психологик ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар, кечинмалар, фикр-мулоҳазалар устуворлиги юзага келиб, моддий асос функциясини бажарувчи олий нерв фаолиятини, марказий нерв системасининг ритми-касини, ишчанлик кобилиятини пасайтиради. Натижада ҳаёт фаолияти ишдан чика бошлайди, умидсизлик, келажакга нисбатан ишонч-сизлик, ижтимоий муҳитга совукконлик, ҳар бир вазиятни факат негатив томонини х,ис кила бошлайди. Бу уз-узидан инсонни ёмон одатларни ортиришига, ахлок меъёридан чикишига сабаб булиши мумкин. Агар ижобий шарт-шароит бўлса, уз-узидан маълумки, соғлом тафаккур хукмронлик килади. Бу омил атрофга ижобий муносабат, кутаринки кайфият, фаолият самарадорлиги, беғараз муносабат, бағрикенглик ва калб сокинлигини таъмин-лашга хизмат килиши табиий. Соғлом тафаккур ҳикмҳат малакасини х,осил килади ва калбни тетиклаштиради. Соғлом тафаккур катта аклий кувват булиб, турли вазиятларда ҳам шахсларнинг огох,лигига ва тўғри йул тутишига ёрдам бериб, шахсда комил дунёкараш уйғонишига олиб боради

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шахс тузилишга фавкулоддаги вазиятлар-нинг ички ларзаси фаолият, хулк ва муомаланинг онглилик холатидан онгсизликка утишини такозо этади, бинобарин, муваффакиятсизлик реалияга айланади.

Инсон табиатан ғаётий тасодифларга учрайди. Бундай тасодифларга дуч келганда баъзан ожизлик ёки кучсизлик қилиши мумкин. Ана шундай муаммоларни хал килиш жараёнида бевосита тафаккур хизмат килади.

Демак вазиятларни тўғри таҳлил этиш, муаммони бартараф қилиш, безарар ҳаракат қилиш учун х,ам шахс соғлом тафаккурга суянади.

• инсон онгли мавжудот экан у яратиш, янгилаш, яхшилаш, узгартириш имконига эга. Лекин табиатнинг таркибий кисмлари, инстинктлар, шартсиз рефлекслар таъсирини курсатади

• шахснинг ички ва ташки тана аъзолари фавкулоддаги ходисалар ва вазиятларга мос-лашган эмас (стихия, ҳалокат, тасодиф, стресс, аффект, хавф-хатар-риск);

• шахсда соғлом тафаккур ривожланмаганлиги сабабли, турли вазиятлардан куркиш билан боғлик ҳис-туйғуларни олдиндан сезиш, пайкаш, курашиш, енгиш каби имкониятларга эга эмас

• шахсда ҳаётга тайёрланмагани, ҳаётий куникма шаклланмаганлиги сабабли у ҳаётий тасодифлар курбонига айланиб колиши мумкин.

Шунинг учун ҳаётга энди кириб келиб, ҳаётнинг ёзилган ва ёзилмаган конунларни, табиат ходисаларини англаётган шахс ҳаётнинг тасодифларига тўғри реациясини шакллантириб борилиши лозим. Мактаб амалиётида турли психологик методикалар, психологик тренинглар, характер, темпераментни аниклаш буйича тестлар, интеллектни аниклаш тест, маънавий дунёкараш, тафаккурни аниклаш суровномалари, савол-жавоб утказилиши, шу билан бирга ҳар томонлама ривожланишни таъминлайдиган тренировкалар олиб борилиши шахсни ҳаётида учрайдиган турли хавф-хатарларга тайёрлайди.

Жаҳон психологияси фанининг маълумотларига караганда, муваффакиятсизликдан ҳеч ким ҳимояланган эмас. Маълумки, жисмоний, ахлокий ва аклий баркамоллик туб маънодаги комил инсон тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради. Комиллик даражаси субъектнинг маънавий дунёсига айланмас экан, тасодифлар, фавкулоддаги вазиятлар шахс томонидан одатий ходиса сифатида осойишта қабул килинмайди.

Француз психологи П.Жане (1857—1947) шахс психик ривожланишнинг биологик ва ижтимоий муносабатлар муаммоси билан шуулланди. Унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

назариясига биноан инсон психика-сининг соғлом ривожланиши ижтимоий муно-сабатларга боғлик, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алокалар тизимининг шаклланиши инсоннинг усишини белгилайди. У алока деб, хатти-харакатни тушунади. Бу эса кишининг атроф мухитга шахси муносабатидан бошка нарса эмас, албатта. П.Жаненинг фикрича, энг кимматли, ахамиятли, ижтимоий харакат хамкорликдаги фаолиятда уз ифодасини топади, шахслараро ташки муносабатлар ривожланишнинг принципи хисобланади. П.Жане уз тадкикотларида психиканинг тўрт даражаси:

а) харакат реакциясининг ўсиши;

б) идрок қилиш харакатининг ўсиши;

в) шахсий-ижтимоий харакатнинг ўсиши (узининг харакатини бошка кишиларга мос-лаштириш);

г) аклий содда хатти-харакатнинг ўсиши (нутк ва тафаккурнинг ривожланиши) мавжуд эканлигини асослаган.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаже (1896— 1980) инсон тафаккурининг камол топишини бир неча даврларга ажратиб ўрганишни тавсия қилади:

1. Бола — ташки мухит - маълумотларни қайта ишлаш.

2. Тафаккур: а) ижтимоий давргача; б) ижтимоий давр.

3. Интеллект (акл):

• сенсомотор — 2 ёшгача;

• операционал давргача — 2— 7(8);

• яққол операция даври — 7(8) —11(12) ёшгача;

• расман (формал) операция даври —11(12) —15 ёшгача2.

Ж.Пиаженинг таълимотида намоён булишига кура шахснинг ривожланиш даврла-ридан 3-давр яъни расман операция даври (11-15 ёшни) айнан ўсмир ёшли ўқувчининг комилликка, мустакилликка, кенг тафаккур юритишга утиш боскичидир. Комилликни шакллантиришда соғлом тафаккурни ривожлантириш масаласи қуйилади. Комиллик ўқувчини уз саломатлигини асраш ва уз фаолиятини жамият равнақи, эзгулик сари йуналтириш, шунингдек замонавий хаётда мавжуд булган турли тибий, экологик, ижтимоий, иктисодий тахдидлардан инсонни мухофаза килиш билими ва малакалари мажмуасидан иборат-дир. Соғлом тафаккур мазмунан мураккаб ва тармоқланган тушунча эканлигини намоён этмокда. Жумладан, соғлом тафаккур ривожланган ўқувчининг психологик киёфаси-безовталанмаслик, ғам чекмаслик, вахимага тушмаслик, яхшиликларни кутиб яшаш, кела-жакни порлок тасаввур килиш, кечириш, позитив ёндашиш, уз -узини назорат килиш, бекорчиликдан кочиш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

зарарли одатлардан тийилиш, хавас килиш, хасаддан тийилиш, тушкунликдан тийилиш.

Мулокотда соғлом тафаккурга эга ўқувчи узгаларга купол, каттик гапирмаслик, х,ақорат килмаслик, ёлғон, узгалар хатосини буртирмаслик, узгалар фикрини хурмат килиш, тинглаш, холисона муносабат билдириш, раҒбатлантириш, илхомлантириш, рахмат, миннатдорчилик, хамдардлик туйғуларини намоён эта олиш, маълумотни аниқ равшан, максадли тушунтира олишида намоён булади.

Эстетик туйғунинг соғлом тафаккур ривож-ланишига таъсири- завкланиш инсон онгига хаёт кувватини беради. Шундай экан табиатдан яхшиликлардан бахра олиш, беғараз булиш, хатто хайвонларга зарар етказмаслик, гуллар-нинг ифори, ранглари, чиройидан бахра олиш, атроф гузалликларини хис килиш, сокинликка, гузалликка интилиш, шукроналик туйғуси билан яшаш, инсонларга табассум улашиш, сокинлик ва нафисликка интилиш.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда моддиятнинг уйғунлиги - якин кишиларга совға бериш, мух-тожларга хадя улашиш, уз-узига хеч булмаганда бир ойда бир маротаба яхши курган бирор нарса харид килиш, ой, куёш, юлдузлар хатто булутларга караб табиатнинг муъжизаларидан куч олиш, давлат мулкини авайлаш, жамият мулкини асраш, борига каноат килиш.

Ўқувчиларда соғлом тафаккурнинг маъна-вий жих,атдан намоён булиши - шахс кадр кимматини англаш, инсонни кадрлаш аввало ота-онага, устозларга х,урмат эх,тиром, яхшиликка чакирганда сузсиз итоат этиш, танбех,ларини беҒараз кабул этиш, очик чех,ра билан мех,р-мух,аббатини суз ва амалда намоён этиш, уларнинг ташвишларига далда булиш, рух,ий мадад бериш, сузида собит туриш, мех,рибон, адолатли, садокатли, ватанпарвар, элпарвар, оилапарвар, болажонсифат булиб кичикларга иззатда булиб уларга Ғамхурлик килиш, кексаларни кадрлаш, омонатдор, ростгуйлик маънавий киёфани курсатади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ўқувчиларда соғлом тафаккурни ривожлантириш ижтимоий-психологик омиллари қуйидаги вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

• оилада маънавий соғлом муҳитни яратиш, болага унинг шахси шаклланишига ёрдам бериш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

• маънавий дунёқарашни бойитишда болани ёшлигидан уқиб урганишга одатлантириш;

• болага унинг учун ижтимоий муносабатларда фойдали, мазмунли телекурсатувларни томоша қилиши ва радио эшиттиришларни тинглашни тавсия қилиш ва кумаклашиш;

• вакти-вакти билан тарихий-маданий музейлар ва қадамжолар, республика катта кутубхоналарига экскурсия уюштириш;

• бадантарбия билан мунтазам шулланишга ургатиш;

• интеллектни ривожлантирувчи аклий машғулотларга жалб этиш;

• боланинг саволлари ва фикрларини жиддий абул килиш х,амда чидам билан тулик жавоб бериш;

• болани ёшлигидан х,алоллик, тўғрисузлик, мех,натсеварлик, масъулиятлилик ва садокатга ургатиш максадида шу масалалар акс этган эртак терапия, макол, ривоят, х,адис, қуръон оятларидан, ибратли вокеаларни укиб, тах,лил килиб бериш;

• ўқувчи ёшларнинг дунёқараши, мустакил мушох,ада килиш кобилиятларини ривожлантириш, унинг ютуқларини мақташда самимий булиш;

• ўқувчи ёшларимизни диний-экстремистик ғоялар, турли ахборот хуружлари таъсиридан х,имоя қилиш максадида ватанпарварлик, халқпарварлик, элпарварлик, юртга садоқат туйғуларини сингдириш;

• ўқувчи ёшларимизни дунёда авж олаёт-ган одам савдоси, наркобезнис, курол-яроғ савдоси қурбонига айланишини олдини олишда уларга инсон кадр-киймати, вафо, садоқат, қаноат, сабр, шукроналик туйғуларини шакллантириш;

• хар куни бола билан юзма-юз сухбатлашиш, эх,тиёжлари билан қизиқиш, хатоси учун масхара қилмаслик, унга ёрдам бериш, ютуғи учун рабатлантириш;

• ўғил болаларга хакикий эр-йигитларга хос кийиниш, юриш, гапириш ва узини тутиш буйича курсатмалар бериш;

• қиз болаларга аёлларга хос шарм-хаё, андиша, камтаринлик, авратларини бекитиш, миллий қадриятлар, узлигимизни англатувчи либосларда қийинишни сингдириш, «оммавий маданият», «европача маданият», »замонавий либос» каби карашларини тарбияловчи тушун-тириш ишларини олиб бориш;

• катъиятлилик, х,ушёрлик, ишбилармонлик, вактни кадрлай билиш, интизомлилик халоллик, ташаббускорлик, бурчга садоқат, суз ва иш бирлиги, рух,ан уйғоклик-хушёрлик, она тилига фидойилик каби хислатларни шакллантириш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01097

Юқорида келтирилган инсоний фазилатлар, шахсий сифатлар, миллий хусусиятларнинг барчасини бола х,аёти давомида амалда куриб онг дастурига мухрлаб боради, келажакда хаёт дастурида бунга амал қилади. Шунинг учун айтишадики, таълим-ўқитиш билан амалга ошадиган жараён бўлса, тарбия-амалиётда тадбиқ этилади.

REFERENCES

1. Карандашев В.Н. Психология введение в профессию. 2- е изд - М.: Смысл, 2003. - 242 с.
2. Nabijonova D. O`quvchilarni kasbga yo`naltirish psixologiyasi. Toshkent: 2002. - 156 b
3. Xaydarov F.I., Xaliliova N.I. “Umumiy psixologiya”. - Toshkent: Mumtoz so`z, 2010. - 330 b
4. G’oziev E.G`. Ontogenez psixologiyasi - Toshkent: Noshir , 2010. - 359 b.